

# ЭТНИК МАНСУБЛИК ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА

Д.Х. Умурзоков

НДПИ “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

Ушбу мақолада этник мансублик ижтимоий психологик феномен сифатида кўриб чиқилади ва бу борадаги олимлар қарашларининг таҳлили келтирилаган.

В этой статье этническая идентичность рассматривается как социально-психологический феномен и даётся анализ научных взглядов учёных по этой тематике.

In this article, the ethnic identity is seen as a socio-psychological phenomenon and given the analysis of the scientific views of scholars on this subject.

Этник мансублик (идентификация) ижтимоий мансубликнинг бир таркибий қисми бўлиб, “ижтимоий маконда индивиднинг когнитив-ҳиссий жараёнда ўз мавқеини белгилаш натижаларини ўзида акс эттиради. Бу нафақат англаш, балки идрок қилиш, тушуниш, ўзининг умумий этник мансублигини баҳолашдир”<sup>1</sup>. Стефаненко этник мансубликни нафақат индивид ўзини маълум бир халққа мансуб эканлигини англаши тарзида, балки “Мен” ва этник муҳит – ўзини бирон этник жамоага айнан мансублиги ва бошқа этник гуруҳлардан фарқлай олиш хусусиятларини ўрганиш лозимлигини таклиф қилади<sup>2</sup>.

Этник мансублик муаммосини ўрганишда, аввало, этник мансублик ва этник ўз-ўзини англаш тушунчалари ўртасидаги муносабатни тўла-тўқис аниқлаб олиш муҳим. Чунки замонавий адабиётларда этник мансублик ва этник ўз-ўзини англаш борасида турли қарашлар мавжуд. Шу сабабли қуйида мазкур масала борасидаги айрим нуқтаи назарларни келтирамиз.

---

<sup>1</sup> Стефаненко Т.Г. Поведенческий компонент этнической идентичности: за и против// Кризис и идентичности и проблема становления гражданского общества / отв.ред. Н.Л.Иванова. Ярославль. 2003(6). С. 127-134.

<sup>2</sup> Стефаненко Т.Г. Этнопсихология. М.: Аспект-Пресс, 1999

Масалан, В.Ю.Хотинец этник мансубликни этник ўз-ўзини англашнинг даражаси деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Г.У.Солдатова эса этник мансублик ва этник ўз-ўзини англаш икки кесишган тушунча эканлигини таъкидлайди. “Бир тарафдан этник мансублик этник ўз-ўзини англашнинг когнитив-мотивацион ядроси ҳисобланади. Бошқа тарафдан – кенгрок тушунчани англаиб, ўзида ғайриихтиёрий ҳолатни акс эттиради”<sup>2</sup>.

В.Н.Павленко этник мансублик тушунчаси этник ўз-ўзини англаш тушунчасига нисбатан торроқ мазмунни ифодалашига доир карашлар мавжудлигини таъкидлайди. Бу ҳолатда этник мансублик этник ўз-ўзини англашнинг бир қисми (баъзан марказий) сифатида тушунилади<sup>3</sup>.

Т.Г.Стефаненко эса этник мансублик этник ўз-ўзини англаш тушунчасига нисбатан кенгрок мазмунни ифодалашини таъкидлайди, чунки этник мансублик индивид ўзини қайсидир миллат вакили деб ҳисоблаши, уларга ўзини ўхшатиши ва бошқа миллат вакилидан ўзини фарқлай олишикогнитив-ҳиссий жараён натижалари ҳисобланади.

В.Н.Павленко Г.Т.Стефаненконинг фикрларига қўшилган ҳолда этник мансублик нафақат ўзини жамиятнинг аъзоси сифатида англаши, балки ана шу этник гуруҳнинг аъзоси сифатида “яшаши”, яъни ана шу гуруҳнинг ҳаёт тарзига мувофиқ тарзда ҳаёт кечиришини таъкидлайди. Шу билан бирга, этник мансубликнинг когнитив ва эмоционал таркибига этник мансубликнинг хулқий жиҳатларини ҳам қўшимча тарзда киритади<sup>4</sup>.

Биз ҳам мана шу икки олим – Т.Г.Стефаненко ва В.Н.Павленконинг фикрлари тарафдаромиз. Биринчидан, этник мансублик этник ўз-ўзини англаш тушунчасига нисбатан кенгрок мазмунни ифодалайди, чунки у ўзида нафақат ўзининг этник умумийлигини (когнитив-мотивацион марказ) ифодалайди, балки бунга нисбатан эмоционал муносабатини ҳам акс эттиради. Иккинчидан, этник мансублик ҳар доим **имплицит**(беқиёс) тарзда

---

<sup>1</sup> Хотинец В.Ю. Этническое самосознание. СПб.: Алетейя, 2000 .

<sup>2</sup> Солдатова Г.У. Психология межэтнической напряженности. М., 1998.

<sup>3</sup> Павленко В.Н., Таглин С. А. Общая и прикладная этнопсихология. М., 2005.

<sup>4</sup> Павленко В.Н., Таглин С. А. Общая и прикладная этнопсихология. М., 2005.

миллатнинг ўзига хос муносабатини ўз ичига олади, бу эса этник мансубликнинг валентлигини таъминлайди (бу салбий муносабат билдирилган ҳолларда негатив бўлиши ҳам мумкин).

Этник ва ижтимоий мансубликнинг мувофиқлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, замонавий адабиётларда этник мансублик аксарият ҳолларда ижтимоий компонент<sup>1</sup> ёки унинг тури сифатида талқин қилинади<sup>2</sup>. Шу сабабли этник мансублик адабиётларда қоида сифатида ижтимоий мансубликнинг 4 йўналиши (психодинамик, вазиятли, когнитив ва конструктив йўналиш) асосида таҳлил қилинади. Йўналишлар рўйхатига инструментал ва примордиал ёндашувларни ҳам киритиш мумкин.

Инструментал йўналиш вакиллари этникликни гуруҳнинг қизиқишларига эришиш воситаси, ёки гуруҳни жалб қилиш лозим бўладиган мафкура сифатида баҳолашади. “Инструменталистлар назарида этник мансублик шахснинг идрок қилишини ифодаловчи асосий сифатлар, кадриятлар тизими, гуруҳнинг ўзига тегишли бўлган установка ва эътиқоди ҳисобланади”<sup>3</sup>.

Примордиал ёндашув вакиллари этник мансубликни шахс ўзини этник гуруҳ билан идентификациялашини (айнан тенглаштириш) туғма хусусият сифатида баҳолашади. Бу йўналиш ўз навбатида эволюцион-биологик ва эволюцион-тарихий каби икки турга ажратилади<sup>4</sup>.

Замонавий этнопсихологияда этник мансублик тузилиши ижтимоий установкалар тузилишининг аналогияси (ўхшашлик) асосида аффектив, когнитив ва хулқий компонентлар тавсифланади<sup>5</sup>. Этник мансублик – этник гуруҳ установкалари мажмуи сифатида қаралганда бу ёндашув мантиқан тўғри. Унинг тузилиши когнитив, аффектив ва хулқий компонентларни ўз

---

<sup>1</sup> Стефаненко Т.Г. Этнопсихология. М.: Аспект-Пресс, 1999.

<sup>2</sup> Хотинец В.Ю. Этническая идентичность и толерантность. Екатеринбург: Изд-во Уральского ун-та, 2002.

<sup>3</sup> Попков В.Д. Феномен этнических диаспор. М., 2003.

<sup>4</sup> Садохин А.П., Грушевицкая Т.Г. Этнология. Учебник для высших учебных заведений. М.: Изд.центр “Академия”, 2000.

<sup>5</sup> Солдатова Г.У. Этническая идентичность и этнополитическая мобилизация // Дробижева Л.М., Аклаев А.Р., Коротева В.В., Солдатова Г.У. Демократизация и мобилизация национализма в Российской Федерации. М., 1996. С. 296-366.;

Хотинец В.Ю. Этническая идентичность и толерантность. Екатеринбург: Изд-во Уральского ун-та, 2002.; Павленко В.Н., Таглин С.А. Общая и прикладная этнопсихология. М., 2005.

ичига олган ижтимоий установакалар тузилишини эслатади. Ҳозирги вақтда этник мансублик таркибидан хулқий компонентнинг ажратилиши тўғри эканлигига шубҳа туғилмоқда<sup>1</sup>.

Этносоциологик ёндашув доирасида Л.М.Дробижева этник мансубликнинг қуйидаги асосий компонентларини ажратади: ўз халқига мансублигини англаш, халқининг қизиқишларини англаш, маданияти, тили ва ҳудуди ҳақидаги билимга (тасаввур) эга бўлиш<sup>2</sup>.

Этник мансубликнинг когнитив ва аффектив компонентлари мазмуни британиялик тадқиқотчи М.Барретнинг ишларида етарлича тўлиқ ёритиб берилган<sup>3</sup>. Баррет этник мансубликнинг когнитив компонентини қуйидаги элементларга ажратади:

- 1) этник гуруҳнинг мавжудлиги ҳақида билиш;
- 2) ўзини этник гуруҳ вакили деб ҳисоблаши;
- 3) давлатнинг ҳудуди ҳақида билиш;
- 4) миллий эмблема (нишон), рамзлар, институтлар, урф-одатлар, анъаналар, тарихий воқеалар ва миллатнинг рамзи тарзида тилга олинувчи тарихий шахслари ҳақида билиш;
- 5) этник гуруҳ аъзоларининг насл-насаби бир эканлиги ва умумий қариндош эканлигига ишониш;
- 6) ҳар қандай этник гуруҳда ҳам ўзига хос бўлган хусусиятлар: миллий ва этник жиҳатларга эга вакиллари борлигига ишониш;
- 7) шахс ва этник гуруҳ чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши.

Олим этник мансубликнинг аффектив компонентини қуйидаги элементларга ажратади:

- 1) этник мансубликнинг субъектив муҳимлиги;

---

<sup>1</sup> Стефаненко Т.Г. Этнопсихология. М.: Аспект-Пресс, 1999.; Стефаненко Т.Г. Поведенческий компонент этнической идентичности: за и против // Кризис идентичности и проблема становления гражданского общества / ота.ред. Н.Л.Иванова. Ярославль, 2003 (6).С. 127-134.

<sup>2</sup> Дробижева Л.М. Национализм, этническое самосознание и конфликты в трансформирующемся обществе // Национальное самосознание и национализм В Российской Федерации начала 1990-х годов.М., 1994. С. 16-47.

<sup>3</sup> Barret M. English Children's Acquisition of a European Identity // G.Breakwell, E.Lyons (eds). Changing European Identities: Social – Psychological Analyses of Social Change. Oxford: Pergamon Press, 1996. P. 145-172

2) этник мансубликка боғланганлик даражаси: ундан кечишга тайёр ёки аксинча;

3) этник гуруҳга мансублилик ҳисси;

4) миллий ҳудудга боғланганлик ҳисси;

5) миллий ғурур, номус, айбдорлик каби ижтимоий ҳис-туйғулар;

6) миллий ўз-ўзига ҳурмат<sup>1</sup>.

Этник мансублик юқорида кўрсатиб ўтилган компонентлардан ташқари яна бир қанча мезонлар асосида тавсифланиши лозим. Бундай мезонлар сифатида биз унинг валентлиги ва аниқлиги компонентларини таклиф қиламиз. Этник мансубликнинг валентлиги (ижобийлик ва салбийлик) – бу аффектив компонентнинг хиссий (эмоционал) йўғрилган белгисидир. Аниқлик – бу биринчи навбатда, ўзини тўлиқ этник гуруҳ вакили сифатида англаш даражасини ифодалайди. Шунингдек, ўзи мансуб бўлган гуруҳнинг маданий, психологик хусусиятлари ҳақидаги тасаввур ва мукамал билиш даражасини ҳам англатади.

---

<sup>1</sup> Barret M. English Children's Acquisition of a European Identity // G.Breakwell, E.Lyons (eds). Changing European Identities: Social – Psychological Analyses of Social Change. Oxford: Pergamon Press, 1996. P. 145-172